

HIJQSHQ

001
(212)

YURIDIK GAZETA

Yanvar						
Du	7	14	21	28		
Se	1	8	15	22	29	
Ch	2	9	16	23	30	
Pa	3	10	17	24	31	
Ja	4	11	18	25		
Sh	5	12	19	26		
Ya	6	13	20	27		

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan



2002 YIL — QARIYALARNI QADRLASH YILI

АНОНС

ШАМОЛ ТЕТИРМОҶИ

Сенга адолатни юзага чиқаришдай мақсад куч-қувват бериб туради. Ишни ниҳоясига етказганингдан сўнг ҳақиқатни тиклашда бир инсонга ёрдам бера олганингдан виждонинг ором олади, ўзинг енгил тин оласан.

3-бет.

«АСОСИЙСИ САМИМИЙЛИК БЎЛСИН»

Сатирани биласиз, қанчалик таъсир кучига эга эканлигини ҳам биласиз. Сатира орқали маънавий бўшлиқни тўлдириш мумкин. Ҳақиқий қизиқчи кулгу йўли билан жамиятдаги мавжуд муаммоларга жавоб қидиради.

5-бет.

ТАДБИР

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Яқинда Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурори К.Исмоиловнинг йил давомида қонун устиворлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Маърузада келтирилишича, ўтган йили бу борада муайян натижаларга эришилган. Прокуратура идоралари томонидан банклар, пул муомаласи, иш ҳақи, ер, божхона, солиқ каби давлат идораларининг фаолияти, хусусийлаштириш, фуқароларнинг муносабатлари ва бошқа бир қатор қонунларнинг ижроси юзасидан текширишлар ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича қонуний чоралар қўрилиши таъминланди. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларни, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Барча туман ва шаҳар прокуратураларида шанба кунлари «Тадбиркорлар кўни» деб эълон қилинган. Шу билан бирга давлатга, корхона ва ташкилотларга етказилган моддий зарарнинг айбдорлар ҳисобидан қўлланишига алоҳида эътибор берилганлиги натижасида ихтиёрий равишда ундирилган сумма 20 млн. сўмдан ошди.

Йил давомида вилоят судлари томонидан жиноят ишларининг қўрилишида прокурор иштироки 99,3 фоизни ташкил қилди.

Вилоят прокурорининг маърузасида таъкидланганидек, прокуратура идоралари бундан кейин ҳам олдиларига қўйилган вазифаларни সিҳқидилдан адо этаверадилар.

(Ўз мухбиримиз)



«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduloqib

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
133-82-34, 77-59-31.
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonada manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20.500
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.30
Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
N. NISHONOV
Navbatchi: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● **МИННАТДОРЧИЛИК**

ПРОКУРОР ШУНДАЙ БЎЛСА...

Хурматли Рашид Ҳамидович!
Сизни, Марказий ҳақмадада ишлаётган барча ҳамкасбларимни Янги
йил билан табриклаб, муштақам соғлиқ, Ўзбекистон равнақи учун
қилаётган ишларингизга муваффақият тилайман.

Мен ҳам шу соҳада 20 йил ишлаганман. Ёшим етмишдан ошганига
қарамай ҳўжаликларнинг юридик муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашиб
келмоқдаман. Асосий вазифам ҳўжалик бир меёёрда ишлаши учун унинг
дебиторлик қарзларини ундиришдан иборат.

Мисол сифатида айтадиган бўлсам, Самарқанддаги 2522-автоколон-
нанинг «Оқтош дон» ҳиссадорлик жамиятидан дебиторлик қарзи 49 млн.
сўмни ташкил этиб, раҳбарият ва менинг қарзни тўлаш тўғрисида
«Оқтош дон» директори К.Ибодовга бир неча марта қилган мурожаат-
ларимиз самара бермади. Шунда мен бу борада Нарпай тумани прокуро-
ридан ёрдам сўрашга қарор қилдим.

Прокурор серғайрат, ёш Акмал Имомов экан.

Арзимни тинглагач, А.Имомов «Оқтош дон» директори К.Ибодовни
хўзурига чақирди. Батафсил суҳбатдан сўнг биргаллашиб «Оқтош дон»нинг
муддати ўтган кредиторлик қарзларини тўлаш графигини ишлаб чиқдик.
У ҳозир амалда. Шунга асосан 2522-автоколонна ноябрь ойида «Оқтош
дон»дан 9 млн. сўм олди. Бутун жамоа прокурорнинг амалий ёрдамидан
беҳад миннатдор.

Алексей ШЕМОНаЕВ.
Самарқанд шаҳри

Абдуҳалил ЭРГАШЕВ,
истеъфодаги милиция майори.
Бағдод тумани

● **ПРОКУРАТУРАНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

Бизни ўраб турган атроф-
муҳит, ундаги барча жонли
ва жонсиз нарсалар табиат-
дир. Атроф муҳитнинг
мусаффолиги биринчи
навбатда энг олий мавжудот
— инсонни сақлаб турувчи
бosh омили ҳисобланади.

Айниқса, экологик жиҳатдан
катта зарар кўрган, муззам
денгиздан жудо бўлиб, туз
тўзони остида қолган
Оролбўйи минтақаси учун
ҳар бир гйёҳ, ҳар бир сув
ҳавзаси, ҳар бир дарахт
ҳаётий аҳамиятга моллик
бўлиб қолмоқда. Бугунги
қийин вазиятдан чиқиб
кетилишни ягона йўли эса
мавжуд ўрмонлар, қўллар,
сув ҳавзаларини кўз қорачи-
ғидек асраш, янги ўрмон-
зорлар, бог-роғлар барпо
этиш, шаҳар ва қишлоқлар-
ни кўқаламзорлаштиришдан
иборадир. Хўш, айни
пайтда минтақада ахвол
қандай? Мухбиримиз Орол
табиати муҳофаза қилиш
прокурори, адлия маслаҳат-
чиси Маҳмуджон Исмоилов
билан шу ҳусусда суҳбат-
лашди.

— Маҳмуджон ака, яқиндагина
мустақиллигимизнинг ўн йиллигини
тантанали байрам қилган эдик.
Мана энди Ўзбекистон прокурату-
расининг ўн йиллигини нишонлай-
миз. Байрам кунларида кўнглингиз-
дан нималар кечаяпти?

— Байрам ўз номи билан бай-
рам. Шундай улў кунларда кимни-
дир табриклагинг, ким биландир
дилдан суҳбатлашинг, яқинларинг
билан яхши даврада ўтиргинг, хор-
диқ чиқаргинг келади. Мен шундай
кўвончли давларда ҳалқимизни, эл-
юрт тинчлиги, осойишталиги йўли-
да хизмат қилаётган ҳуқуқ-тарти-
бот идоралари ходимларини қўтла-
моқчиман. Яна бир айтмоқчи бўлган-
ним, биз табият фарзандларимиз.
Шундай экан, бирдан-бир тилагим:
юртимиз табиати ҳамиша бой
бўлсин. Дарёлари сувга тўлиб оқсин.
Болаларини гўзал, ҳур дйерда қув-
наб, ўсиб улғаяверишсин.

— Маҳмуджон ака, Орол таби-
ати муҳофаза қилиш прокурори
бўлганингиздан кейин ишни нима-
дан бошладингиз?

— Биринчи ишимни табиати
муҳофаза қилиш прокуратурасининг
янги Низомини ўрганишдан бошла-
дим. Кейин ўзимдан олдин ишлаг-
ган прокурорлар, устозларим Жи-

янбой Норимбетов, Саловат Уро-
зов, Жорғас Айимбетовлар тажри-
баларини фойдаландим.

— Тўқайзорларда жиноятчилик-
нинг камаймаётганлиги сабабларини
нималарда деб ўйлайсиз? Уму-
ман, минтақада ўрмонзорлар ахво-
ли қандай?

— Бу борада ҳам қатор ишлар
амалга оширилмоқда. 2001 йил-
нинг 9 ойи давомида 23 марта тек-
шириш ўтказилди. Буларнинг нати-
жаси ўлароқ 43 нафар киши маъму-
рий, 21 нафари интизомий жавоб-
гарликка тортилди. Шунингдек, 10
та жиноят иши бўйича 23 нафар
киши суд қарори билан тегишли
жазоларни олдилар. Мисол тари-
қасида айтадиган бўлсам, Нукус-
Тўрткўл йўлининг 24-км.да ёғоч
юклар келаётган автомашина тўхта-
тилиб текширилганда фуқаро Илья
Бекбергандон 180 дона тўронгил
ёғочларини ҳужжатсиз олиб кетаёт-
ганлиги аниқланди.

ли «Қишлоқ ҳўжалигида иқтисо-
дий ислохотларни чуқурлаштириш
ҳақида»ги қарори эълон қилинган
эди. Унда ҳўжаликлар балансла-
ридаги тўқайзорларни тўқай ҳўжа-
лиги бошқармаларига ўтказиш,
тўқай фондлари ерларидан фой-
даланиш ҳақидаги кўп йилларга
тузилган ахтларни бекор қилиш
кўрсатилган. Ушбу қарор ижроси
прокуратур томонидан умумий
назорат тартибида текширилган-
да республикамиз ҳудудида
103132 гектар тўқайзорлар ҳар хил
хусусий қишлоқ ҳўжалиги корхо-
наларининг балансларида қоли
кетганлиги аниқланди. Бу Респу-
блика ер ресурслари бошқарма
бошлиғи Л.Абдуллаеванинг ҳар-
баҳоналарни рўқча қилиб, ижр-
а ососиз равишда пайсалга со-
қиб келаётганлиги оқибатидир. Аг-
да бу ҳолат давом этаверса, тў-
қайзорларда содир этилаётган
ҳуқуқбузарликлар барҳам тои-

л бў ҳудудида бугун экологик ма-
ри бузилган. Табиатга келтирил-
ган катта зарар тўғрисида минтақа
ижралари азият чекишяпти. Турли
л касаликлар пайдо бўлмоқда.
амлакатимиз мустақилликка
лишгандан кейингина муаммога
иддий эътибор қаратиляпти.
резидентимиз фармони билан
Эролбўйи халқлари учун қатор им-
нйелар ажратилмоқда. Улар Тош-
кент, Самарқанд шаҳарлари сана-
торийларида беғул даволаниб қай-
тидилар.

Орол табиатни муҳофаза қилиш
прокуратурасига собиқ Иттифок
даврида асос бўлган бўлса ҳам ў-
мустақиллик йилларида ривожлан-
ди. Бизнинг эндиги вазифамиз ат-
роф-муҳитга зарар етказувчилар-
га муросасиз бўлишдир. Айниқса
бугунги шароитда барчаимиз таби-
атимизга ҳурмат билан қарасак,
бу илмли кишиларнинг иши бўлади.
Ўрмонзорларимизни кесаётган су-

**ТАБИАТИМИЗ
ЭРТАНГИ
ҲАЁТИМИЗДИР**

деб айта олмаймиз.

— Маҳмуджон ака, кунда
Орол табиатини муҳо қилиш
прокуратураси олодидай ва-
зифалар турибди? Келадя нима-
лар қилиниши керёб ўйлай-
сиз?

— Орол муаммосегун аср
муаммосига айланганги ўз холи-
ча қолдириб бўлмайдунки шўро
даври чигалликларйр эмаски,
салбий оқибатларйурсатмоқ-
да. Дабдабачиликн кетидан
кувиш, ҳисоб-китолимасдан
худа-беҳуда бебаҳимизни ис-
роф қилиш шу дасали эмас-
ми? Худди шундаэн табиатга
хиёнат қилсанг, ўга сендан
«Мурувватини» аз эган. Буни
бугунҳаёт кўрсатибди. Орол-

вимизни исроф қилаётган киши-
ларни мен табиатимиз душманла-
ри деган бўлардим. Ахир ҳеч бўлма-
ганда Оролнинг бугунги ҳолатини
сақлаб қолишимиз керак-ку.

Бизни ўраб турган борлик, дар-
ёлар, қўллар бойлигимиздир. Шу
минтақада яшаётган ҳар бир ақли
расо фуқаро шу эл фарзандиман,
шу юрт учун хизмат қилшман, эрта-
га фарзандларим ҳам шу ҳудудда
яшайди, меҳнат қилади деб қуйи-
ниши керак. Бунинг учун ҳеч бўлма-
ганда ўзи яшаётган ўйи, ишонсана,
овулинни кўқаламзорлаштиришга
ҳиссасини кўшиши даркор.

Суҳбатдош: Н.ОҚНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

● ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ**ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ**

Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгилиб қўйилган.

Маъзур масала республика прокуратура идораларининг фаолиятида ҳам етарли даражада акс эттирилган ва бу йўналишда тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш, шу билан бирга ёшлар манфаатлари химюясини таъминлаш прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан бирidir. Аммо, қаердаки, участка нозир, маҳалла, мактаб бир ёқадан бош чиқарсагина кўзланган мақсадга эришилади. Оиладаги салбий муҳитнинг ҳам болалар тарбиясига таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, республикамиздаги аҳолининг кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил қилади. Масалан, биргина туманимизда 255800 нафар аҳоли яшаса, шулардан 78 минг нафари, яъни умумий аҳолининг 30 фоизи вояга етмаганлардир. Худди шу ҳолни республикамизнинг бошқа туманларида ҳам кўзатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳозирда мамлакатимизда уларни жамиятнинг етуқ аъзолари қилиб тарбиялаш доимий равишда давлат ва жамият назоратида. Айниқса, бу ерда ёшларнинг бўш вақтларини бекор ўтказишларига йўл қўймаслик, келажакда жамиятда ўз ўринла-

рини топиб олишларига ёрдам бериб бориш лозим. Токи улар доимий равишда давлат ва жамият томонидан унга берилмаётган эътиборни, юрт учун керакли киши эканлигини ҳис этиб турсин.

Ҳозирда туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Аброр Ҳидояттов номидаги ёш томоша-

миз», «Усмир ва қонун» каби мавзуларда бахш-мунозаралар, йигилишлар, кечалар, конференция ва семинарлар ўтказилиб, бунда республикамизнинг таниқли фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар тақлиф қилиниши одатий ҳолга айланиб қолди. Бизнингча, бундай тадбирларни бутун республикамиз



«Умид» жамғармаси йўланмаси билан хоризда таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбекистонлик талаба-ёшлар.

МИЛЛИЙ ҲОЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯМИЗ ҲАҚИДА

Маълумки, ҳуқуқий тарбия жамият томонидан қабул қилинган илғор ғояга муштарак келсагина, ижтимоий ривожланиш аниқ бир йўналиш ва ижобий маънога эга бўлиши мумкин. Жамиятни жипслаштирувчи айнан шу илғор ғоя билан ҳуқуқий тарбиянинг уйғунлашув жараёни барча давлатлар, айниқса ўтиш босқичини бошидан кечираётган давлатлар учун глобал муаммо ҳисобланади. Бу муаммонинг ўзига хослиги унинг кўп кирраллигидадир. Шулардан энг муҳими — ижтимоий онгни маълум бир ижтимоий қадриятлар ва ҳуқуқий меъёрлар асосида шакллантира олишдир.

Ҳуқуқий соҳага оид адабиётларда бу масала бўйича хилма-хил фикрлар мавжуд. Бизнингча, уларнинг кўпчилиги мазмунан чекланган. Уларнинг чекланганлиги шунда намоён бўладики, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий жараёнинг соҳаси сифатида шартли равишда мавжуд. Амалда эса бу кишилар онги шаклланидиган жуда кенг миқёсдаги жараёндир.

Яъни бу жараён ҳам ҳуқуқий, ҳам мафкуравий омиллар асосида, ҳаётдаги объектив шароитларнинг кишилар онгига, ахлоқ-одо-бига, характерининг хусусиятларига, хатти-ҳаракатларининг мотивлари ва қўринишларига таъсири орқали шаклланади.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясига алоҳида эътибор бериш ҳуқуқий тарбияни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Бежиз эмаски, бугунги кунда Ўзбекистон халқи томонидан қўллаб-қувватланаётган миллий истиқлол ғояси қуйидаги умум-башарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

— қонун устуворлиги;
— инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳур-фикрлиги.

Эркин ҳуқуқий фуқаролик жамиятини юқори савиядаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина

миқёсда амалга ошириш таъминлана, шубҳасиз, ўсмирларимиз дунёқарашини бойитишга хизмат қилади, келажакда бўлган умидларини юксалтиради, вақтларини ўнумли ўтказишларига ёрдам беради. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барчамиз бир тан, бир жон бўлиб курашмоғимиз лозим. Акс ҳолда уларнинг эгри йўлга кириб кетишига йўл очиб берган бўламиз.

О. ФУЗАЙЛОВ,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани прокурори



Суд томонидан белгилаган жарима жазосининг миқдорини камайтириш мумкинми?

О.ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳри

Мумкин. Бунинг учун юқори турувчи судга қонун бўйича қуйи суднинг қарори ёки ажримдан норози бўлиб, шикоят берилади. Агар юқори турувчи суд қуйи суднинг қарори ёки ажримини қонунга хилоф ёки бошқа сабабларга кўра уни бекор қилиш ёхуд ўзгартириш лозим деган хулосага келса, белгиланган жазони ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Лекин бу ишни янада осон йўл билан ҳал этса бўлса, бунинг учун жарима солиш тўғрисидаги ажримнинг нуқсасини олган пайтдан бошлаб беш кун ичида жарима тўлаш учун қийинчилик келтириб чиқараётган сабабларни кўрсатган ҳолда, жарима солган судга ушбу жазодан овоз қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш ҳақидаги илтимос билан мурожаат этиш лозим. Бу ариза сизнинг иштирокингизда кўриб чиқилади. Агар белгиланган вақтда судга келмасангиз, ариза сиз иштирок этмасангиз ҳам кўриб чиқилаверади.

Агар суд кўрсатилган сабабларни узри деб топса, жаримани бекор қилиши мумкин.

Менинг 2 нафар фарзандим бор, ўзим II гуруҳ ногирониман. Катта ўғлим 1980 йил туғилган, ҳозир Тошкентда институтнинг 3-курсидда тўлов-контракт асосида таълим олмоқда. Кенжа фарзандим 1982 йилда туғилган, ишсиз, ҳозирги вақтда ҳарбий хизматта нақриллапти. Турмуш ўртоғим фожиели вафот этганига 1 йилдан ошди. Шу муносабат билан сурамоқчи эдим: ҳуқуқатимиз томонидан боқувчисини йўқотган оилаларга қандай моддий-маънавий ёрдам кўрсатилади ва у қай тарзда амалга оширилади?

Мен мурожаат қилган маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқий ташиқлотлар ушбу саволга қониқарли жавоб бериша олмайди. Шу боис сизлардан нажат кутиб қолувчи

Хулқар ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Самарқанд вилояти, Пастдарғон тумани

«Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, боқувчининг вафот этганлиги сабабли кун кечириб учун зарур маблағ манбаидан махрум бўлган оилаларга боқувчини йўқотганлик пенсияси тайинлиниши кўзда тутилган.

Сиз бу ҳолда турмуш ўртоғингизнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси сифатида боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлисиз. Фарзандларингиз эса 18 ёшга тўлганлиги ва меҳнатга лаёқатлиги сабабли бу ҳуқуққа эга эмаслар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингиз лозим.

Лекин сиз бир вақтнинг ўзига давлат пенсияларининг икки хилини олишга ҳақли бўлганлигингиз сабабли, танловингиз бўйича сизга улардан фақат биттасигина тайинланади.

Боқувчининг йўқотганлик пенсиясини юқорида айтилганидек, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари олиш ҳуқуқига эгадир. Марҳумнинг меҳнатга қобилиятсиз бўлган оила аъзоларига қуйидагилар кирди:

а) болалар, меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаган ака-ука, опа-сингиллар ва 16 ёшга тўлмаган набиралар ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам бу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

б) пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлган ота-она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр;

в) вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини ишلامасдан, боқиш билан машғул бўлган ота ва онадан бири, эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука, опа-сингил, шунингдек, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшига тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса. (Бу тоифадагиларга боқувчининг йўқотганлик пенсияси уларнинг ёши ва меҳнат қобилиятдан қатъий назар тайинланади);

г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиш шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар боқувчини йўқотганлик пенсиясини 18 ёшга тўлгунларига қадар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Яъни улар 18 ёшга тўлишлари билан бу ҳуқуқдан махрум бўладилар. Чунки, юқорида айтилганидек, пенсия марҳумнинг фақат меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига тайинланади.

Агар ўғил ёки қиз ўғай бўлса ва у ўз ота-онасидан алимент олмаган бўлса, улар ҳам ҳақиқий фарзанд сифатида пенсия олишга ҳақлидирлар. Шунингдек, агар вафот этган шахсининг ота-онаси унга ўғай бўлса ва улар уни 18 ёшга тўлгунга қадар қамидан 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, улар ҳам ҳақиқий ота ва она сифатида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Агар боқувчи вафот этмаган, лекин унинг қарадвалиги номаълум бўлса, қонуندا белгиланган тартибда бедарак йўқотганлиги тасдиқланса, унинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари ҳам боқувчини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлидирлар.

Ушбу турдаги пенсиянинг миқдорини белгилашда вафот этган боқувчининг иш стажидан келиб чиқилади.

Агар боқувчи меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган бўлса, марҳумнинг оиласига пенсия унинг иш стажидан қатъий назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинлиниши учун зарур иш стажига эга бўлган бўлса, касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бу пенсия хотин (эр) анги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

Х.МУМИНОВА,
ТВДПИ ўқитувчиси

РЕКЛАМА**РЕКЛАМА**

*Қаतोамиз Ўзбекистон халқини янги 2002 йил билан салтанатий
қутлайди! Муस्ताқил юртимизга ва унинг ҳар бир
хонадорига тинчлик, фаровонлик тилайди.*

«ТОШКЕНТ КИСЛОРОД ЗАВОДИ»

Yangi yil **2002**

«Меvasабзавотмарказсервис»

*масъулияти чекланган жамият ходимла-
ри ўзбек халқини янги йил билан чин дилдан
муборакбод этади. Барчангизга янги йилда
янги зафарлар ва янги натижалар тилайди.*

«Истиқлол Бозори»

акциядорлик жамияти Ўзбекистон
халқини янги 2002 йил билан қиз-
гин муборакбод этади!
Янги йилда барчангизга тинчлик, фа-
ровон турмуш тилайди.

Бўка шаҳри



СП «БУЮК ОСИЁ Ltd»

реализует по б/н расчету в большом ассортименте:

ЗАДВИЖКИ ЧУГУННЫЕ

d 50-1000 мм ручные и с электроприводом

ЗАДВИЖКИ СТАЛЬНЫЕ

d 50-1000 мм ручные и с электроприводом от РУ-6 в любой
сфере применения (вода, пар, газ, нефть, бензин, масло, кисло-
та)

КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ

силовые кабели (АВВГ, КВВГ, СБГ, АСБ)
монтажный провод (ПВ, ПУНП)
гибкий кабель (КГ)

НАСОСЫ


горизонтальные «Д», химические «Х», консольные «К», питатель-
ные «ПЭ», глубинные «ЭВЦ», любой марки

РТИ

водонапорные шланги бензостойкие
рукава ремни клиновые

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ

АО, 4АМ, ВАО
дизель. электростанцию 200кВт



Тел. \ факс (3712) 53-17-91
сот. 100-00-60



«KASMED»

- Удаление морщин век, лица и шеи;
- Формирование складки верхних век - сингапури;
- Пластика молочных желез и живота;
- Удаление излишков жира методом липосакции;
- Шлифовка кожи лица и отдельных рубцов;
- Коррекция формы носа и ушных раковин;
- Армирование кожи золотыми нитями;
- Удаление всех видов рубцов;
- Исправление челюстно - лицевых деформаций;
- Врачебно - косметологические услуги;
- Татуаж контура губ, глаз и бровей;
- Химический пилинг;
- Вечерний, дневной и свадебный макияж;
- Косметический уход за лицом;
- Эпиляция (удаление волос);
- Удаление всех видов бородавок, папиллом, невусов, родинок и т.д.
- Лечебный и оздоровительный массаж;
- Работает салон стильных причесок.

Фигурное

БонтоН
медовое печенье

СП «КАМОЛА ПАСТА»

Изготовленно из
высококачествен-
ных продуктов с
использованием
современных тех-
нологий производ-
ства.

Вкусно и пита-
тельно!

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



**БУТУН ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚИНИ ЯНГИ ЙИЛ
БАЙРАМИ БИЛАН
САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ.
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА
БАХТ-САОДАТ, ОИЛАВИЙ
ТОТУВЛИК ТИЛАЙМИЗ.**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ГАЗ ТАРМОҚЛАРИ ЖАМОАСИ

**Янги йил
билан, азизлар!**

«Узсаноатқурилиш» банкнинг Қирғули филиали
Тел.: 22-28-23, 22-35-66, 22-37-92



**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

«ТОШКЕНТ ДОН МАХСУЛОТЛАРИ»
очиқ турдаги акциядорлик жамияти



2002
**Янги йил
қут-барака
ва ризқ-рўз
йили бўлсин!**

Тошкент шаҳар дон қабул қилиш
корхонаси

● КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
			11				12		
				13					
		14				15			
	16				17			18	
	19			20			21		
22									23
24				25			26		
		27				28			
	29		30		31		32		33
		34				36			34
					37				
				38					
39				40			41		

Энига: 1. Ун маҳсулоти. 4. Кавказдаги йирик шаҳар. 8. Африкадаги давлат. 13. Ўзбекистондаги ахборот агентлиги. 14. Йўналиш (касбга оид). 15. Пайғамбарлардан бири. 19. Туман, дарё, таом. 20. Ҳинд шахматчиси, жаҳон чемпиони. 21. Йирткич ҳайвон. 24. Шод, хуррам. 25. Миллий таом. 26. М.М.Дўст асари. 29. Муқаддас шаҳар. 31. Кинокомедия («Ўзбекфильм»). 33. Мартаба, даража. 35. Аҳил, иноқ. 36. Миллий пиширик. 38. Сиёсий тўнтариш. 39. Физик атама. 40. Бақанинг «бола»си. 41. «Соч эмас бу... (қўшиқдан).

Хуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бири. 6. Яширин ер ости йўли. 7. «Минг бир кеча» даги қаҳрамон. 9. Тажриба, практика. 10. ...лар империяси. 11. Конфликт. 12. Сур чалувчи фаришта. 16. Шимолий кутб. 17. Мато. Афсонавий махлук. 22. Ҳаё. 23. Кишиларнинг тана рангига қараб гуруҳларга ажратилиши. 27. Ўзбекистонлик футболчи, Россиянинг 1995 йилги чемпиони. 28. Адабий жанр. 29. Машхур араб эртаги қаҳрамони. 30. Курол тури. 31. Касаллик тури. 32. Етти хазинанинг бири. 33. Ҳинд эпоси. 34. Тоғ кўрки. 37. Лев Толстой романи қаҳрамони.

● ФУТБОЛ

Равшан ҲАЙДАРОВ:

«ТАНҚИДГА ОЧИҚ МУНОСАБАТ ДАМАН»

Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш bosқичидаги муваффақиятсиз иштирокидан сўнг бош мураббий Владимир Сальков истеъфо берганидан хабарингиз бор. Орадан қариб икки ой ўтса ҳам миллий термамиз бош мураббийсиз эди. Ўзбекистон Футбол Федерацияси ижрокўмининг ушбу масалага бағишланган йигилиши бўлиб ўтди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Махситов, УФФ президенти, Ички ишлар вазири З. Алматов, УФФ бош котиби Б. Раҳимов, шунингдек, клублар мураббийлари, ҳакамлар ва мураббийлар кенгаши аъзолари иштирокидаги ушбу йигилишда узоқ давом этган музокаралардан сўнг Равшан Ҳайдаров терма жамоа бош мураббийи этиб сайланди. Кўпчилик мухлислар яхши билишди, жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида Р. Ҳайдаров В.Сальковга ёрдам берган эди.

Жамоатчи муҳбиримиз янги бош мураббий билан сўхбатлашди.
Равшан Ҳайдаров 1961 йили Тошкентда туғилган. 1982 йилда Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг футбол факультетини тамомлаган. Шунингдек, Германиянинг Лейпциг университетиде ҳам таълим олган. 1979 йилдан 1994 йилга қадар мамлакатимизнинг «Шахрихон», «Хонка», «Хоразм», «Динамо», «Пахтакор» ва «Трактор» клубларида тўп сурди. Футболчилик фаолиятининг сўнгги йилларида эса қадрдон «Трактор» клубида қолиб, мураббийлик қила бошлади. Энди у ўз клубидан кетишга мажбур.

— **Авалло, янги лавозим билан табриклаймиз. Энди бевосита масалага тўхталасиз. Сизни ижрокўим йигилишида бош мураббийликка қим тавсия қилди ва қанча овоз олдингиз?**
 — Йигилишда унча асосий масала кўрилди. Булар: келгуси йилги миллий чемпионатимизни ўтказиш, ёшлар ва олимпия терма жамоаларининг фаолияти, учинчиси — миллий терма жамоа бош мураббийлиги. Номзодими ОФК техник директори Рустам Акрамов кўйди.

— **Терма жамоа ва «Трактор» клуби бош мураббийлиги сизга оғирлик қилмайдими ёки бирдан воз кечасизми?**
 — Йигилиш иштирокчиларининг ҳаммаси мамлакат бош жамоасининг раҳбари клуб ишидан озод бўлиши лозимлигини талаб қилишди. Бу, менимча, тўғри фикр. Терма жамоа мураббийи қандайдир клуб билан боғланиб қолмасдан селекция ишига, бошқа ташкилий ишларга бемалол вақт ажратилиши лозим ва озод мураббий дейилгани шу билан ўзини оқлайди.
 Иштирокчилар номзодимни кўриб чиқиб, тасдиқлашди. Бу мен учун катта шараф ва масъулият деб биламан. Негаки, ёш, бирон-бир галабалари билан ўзини кўрсатмаган мураббийга шунчалик ишонч билдирдишган экан, бу зиммага янада улкан масъулият юклайди.

— **Терма жамоанинг келгуси режалари нималардан иборат? Бу борада аниқ гап айт оласизми?**
 — Мен терма жамоада янги одам эмасман. Бир йил давомида жамоамизни ҳар томонлама ўрганиб, йўл кўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, баъзи бир ишлар қилиш ҳусусида ўйлаб юрардим. Уйламанки, нафақат мен, бошқалар ҳам шундай фикрда. Ички чемпионатимиз кучли бўлиб, ундаги футболчиларни терма жамоага жалб қилиш имконияти мавжуд бўлса ва улар терма талабларига жавоб берса, бу бош мураббийнинг бахти. Янги йилдан бошлаб чемпионатимиз савияси кўтарилса, ўзимиздан кучли ёшлар етишиб чиқса ва жуда бўлмаганда уларга терма жамоа базаси сифатида таянса, четдан ўйинчи қидирмасдик. Тўғри, легионерларимизни четта суриб қўйиш керак эмас. Ўзбекистон терма жамоасининг эшиклари ҳамма футболчи учун доимо очик бўлиши лозим. Бу ўзимизда ўйнасин, ёши бундай бўлсин деган шартлар нотўғри. Чунки гап терма жамоа манфаатлари ҳақида кетаётгани, фақат энг кучли футболчилар ўйнаши керак.

— **Равшан ака, мана энди сиз Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийсиз. Футбол эса фақат галабалардан иборат эмас. Танқидга муносабатингизни билмоқчи эдик.**
 — Шу нарса алоҳида таъкидлашни истардимки, футболлимиз равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, ҳок у мураббий ёки футболчи бўлсин, ҳок бошқа касб эгаси, айниқса журналистлар. Гапингиз тўғри, футбол бу галабалар дегани эмас. Ҳар хил ҳолатлар бўлиб туради. Уйламанки, радио, телевидение ва матбуот ҳодимлари қилган ишимга яраша баҳо беришди, таҳлил қилишди. Агарда мен танқидга лойиқ кўрилган бўлсам, бу нарса кейин шу хатоимнинг тасдиқланмаслигига сабаб бўлади. Танқидга очик муносабатдаман. Чунки айтмасдики-ку, танқид келажикнинг меваси, бусиз тараққиёт, ривожланиш бўлмайдими. Атрофингдагилар сенга яхши гапириб, камчиликларингдан кўз юмишса, кўзингни ёғ босиб қолиши мумкин. Шундан қўрқаман. Масаланинг моҳиятига етиб бориб, ҳиссиётларга берилмасдан қилинган танқидни қадрлайман.

— **Футбол мухлисларига янги йил тилакларингиз.**
 — Ҳалқимизга, футболсевар дўстларимизга соғлиқ-саломатлик, хотиржамлик тилайман. Бу йил жаҳон чемпионатида катнаша олганимиз армон бўлиб қолди. Умид қиламизки, 2006 йил Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида ўзбек футболчилари ҳам тўп суршида. Ўзимизнинг хизматларимиз, саёй-ҳаракатларимиз билан футболлимиз савиясини кўтарамиз. Юртимизда айтилгандек футболда голиб бор, мағлуб бор. Муҳлисларимиз яхши ва ёмон кўнаралимида ёнимизда бўлсин. Стадионларни тўлдириб ишқибозлик қилишсин. Бу эса бизни галабага ундовчи кучдир.
 Янги йил юртимизга, бутун ер юзига тинчлик олиб келсин. Яхши кўнларда очик чеҳра билан кўришайлик. Янги йилнингиз кутлуг бўлсин.
Норбек НИЁЗОВ «Хуқуқ» учун махсус тайёрлади

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти жамоаси бирлашган тахририят бўлим муҳаррири З.Мамадалиевга отаси **Очил МАМАДАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдирди.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Ангрэн шаҳар прокурори А. Худойбергеновга кайнонаси **Раҳима АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

Кутловлар



Қалби дарё опамиз
Мақсуда Абдуллаева!
 Сизни кутлуг 50 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ-умр, сихат-саломатлик тилаймиз. Ҳаётингиз доим қувончга лимолим тўлсин деб
Шофирқон туманидаги академик И. Мўминов номи жамоа хўжалигида яшовчи Ражабов ва Ражабовалар оиласи

Меҳрибонимиз Мухайё ая!
 Сизни туғилган кунингиз ва янги йил байрами билан табриклаймиз. Доимо соғ-саломат бўлинг, неки орзу-ниятларингиз бўлса, амалга ошин. Эҳтиром ила фарзандларингиз
Хумоюн ва Хулқар, Тошкент шаҳри

Севимли жиянимиз Фарруҳ!
 Таваллуд кунинг билан табриклаймиз. Сенга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Усуб, улгайиб, ота-онанг орзу қилган инсон бўлиб етишишингни истаб қоламиз.
Амакинг Улмасжон, Самарқанд вилояти

● ЛАТИФАЛАР

ШЎРВАДАГИ ПАШША

Янги йил окшоми ресторанда ўтирган жаноб Рюмфан аччиқлиниб, бош ошпазни чакирди:
 — Қани, айтинг-чи, шўрвада сузиб юрган мана бу пашшага нима дейсиз?
 — Нима ҳам дердим, жаноб. Пашша барибир менинг гапимга тушунмайди.

 Янги йил арафасида бир хоним пойфазал дўконига кириб барча туфиларни кўздан кечирди, сўнгра тимсоҳ терисидан тикилган бир туфлини танларкан, сўради:
 — Кечирасиз, бу туфлини ёгин-сочин кунлари ҳам кийсам бўлаверардим? Сув ўтиб кетмайдими?
 — Нималар деяпсиз, хоним, — эътироз билдирди сотувчи, — тимсоҳ териси сув ўтказмайди. Сув ўтказганда барча тимсоҳлар чўкиб ўлган бўлардилар.

 Бир ёзувчининг хотини Янги йил базмига ўзининг янги тиктирган кўйлагини кийиб борди. Кўйлак шунчалар бежирим тикилган, аёлни қоматига шунчалар ёпишиб тушган эдики, барча эркакларнинг кўзи ундан узилмай қолди. Уй эгаси пайт топиб ёзувчига деди:
 — Хотинингиз жуда кўхликкина экан, кўйлагининг ўзи ажойиб бир қўшиқ-а.
 — Сиз адашяпсиз, дўстим, — деди ёзувчи, — унинг кўйлаги бир қўшиқ эмас, тўрт ҳикоя ва унча эсседир.

 — Тасаввур қилиб кўргин-а, — деди эр Янги йил тонгида хотинига, — мен бугун тушимда дунёнинг энг гўзал аёлига совчи юборибман.
 — Хўш, мен нима деб жавоб қилибман? — сўради хотини.

 Бир оилада ўғил фарзанд дунёга келди. Хурсанд бўлиб кетган ота ўртоқларини Янги йил зиёфатида чорлади.
 — Келганларингда эшикни қаттиқ тепаверинлар.
 — Нега тепарқанмиз, тақиллатамиз, — дейишди дўстлари.
 — Тепаверинлар, чунки совға кўтариб олган кўл билан эшикни тақиллатиш анча қийин бўлади.

Йўлдош ПАРДА таржимаси